

ISSN
2181-2128

2022
V СОН



V СОН



"ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ"
илмий электрон журнали

"ЛОГИСТИКА И ЭКОНОМИКА"
научно-электронный журнал

"LOGISTICS AND ECONOMY"
scientific-electronic journal

www.economyjournal.uz

Электрон журнал Олий Аттестация комиссиясининг миллий илмий нашрлари рўйхатига киритилган.

"ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ" илмий электрон журнали

2022 ЙИЛ
5 СОН

МУНДАРИЖА:

Giyazova N.B.	<i>The share of world countries in the textile industry and the importance of marketing in its development</i>	5
Qayimova Z.A.	<i>The place of infrastructure in the socio-economic development of the region</i>	10
Қўзибоев Б.А.	<i>Худудларда инклюзив туризмда туристик оқимни ошириш стратегиясини шакллантириш</i>	17
Qulliyev O.A.	<i>The economic modernization of Uzbekistan</i>	26
Urakova M.H. Tairova M.M.	<i>Essence of marketing audit and procedures for its carrying out</i>	33
Usmanova A.B. Aslanova D. Kh.	<i>Analyses of methods for assessing the volume of the region's tourism potential</i>	42
Очилов Н.Ф.	<i>Кишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини оширишнинг илғор хориж тажрибасининг қиёсий таҳлили</i>	47



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛФОР

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИННИГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Очилов Нарзилло Файзиллоевич

Бухоро Давлат университети

таянч докторанти

e-mail: nazrillo21@mail.ru

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уни барқарор ривожлантириш ва глобал даражадаги раҷобатбардошлиги даражасини оширишнинг тараққий этган мамлакатлар амалиёти қиёсий таққосланган. Уларнинг ўзига хос жиҳатлари аниқланиб, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги раҷобатбардошлигини оширишда хориж тажрибасидан ижодий фойдаланиш имкониятлари бўйича илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: аграр соҳа, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги раҷобатбардошлиги, раҷобат, давлат субсидияси, компенсацион тўловлар, фермер хўжаликлари, дехқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

COMPARATIVE ANALYSIS OF ADVANCED FOREIGN EXPERIENCE OF INCREASING AGRICULTURAL COMPETITIVENESS

Ochilov Narzillo Faizilloevich,

Doctoral student

Bukhara State University

e-mail: nazrillo21@mail.ru

Annotation: The article compares the practice of developed countries in supporting agriculture by the state, its sustainable development and increasing the level of competitiveness at the world level. Their features are revealed, scientific proposals and practical recommendations are developed on the possibilities of creative use of foreign experience in increasing the competitiveness of agriculture in our country.

Key words: agricultural sector, agriculture, agricultural competitiveness, competition, government subsidies, compensation payments, farms, dekhkan farms, agricultural products

1. Кириш.

Бугунги кунда жаҳон мамлакатларида аграр соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг мақсади мамлакатда юқори самарадорликка ва раҷобатбардошлик даражасига эга бўлган қишлоқ хўжалигини шакллантиришга қаратилган ҳисобланади. Жумладан, ҳукумат томонидан аграр соҳа тармоқларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қишлоқ хўжалигига фаолият олиб бораётган иқтисодий субъектларнинг даромадларини рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишда нарх сиёстини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқарувчиларнинг маълум бир харажатларини қоплаш мақсадида субсидиялар ажратиш, уларга солиқ имтиёзлари,

имтиёзли шартлар асосида ишлаб чиқариш кредитлари ажратиш, айрим турдаги қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари учун протекционизм сиёсатини қўллаш каби чора-тадбирлар шулар жумласидандир. АҚШ, Канада, Бразилия, Россия, Хитой ва Европа иттифоқининг айрим мамлакатларида бу турдаги қишлоқ хұжалиги қўллаб-қувватлаш ва унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган дастурларга устуворлик қаратилиши натижасида ҳозирги кунда дунё бўйича қишлоқ хұжалиги маҳсулотларининг йирик экспортерларига айландилар. Шунингдек, бозор иқтисодиёти шакланаётган ва ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 60 фоиз аҳоли банд ҳисобланса, ривожланган мамлакатларда ушбу кўрсаткич 10 фоизни ташкил этади.¹

2. Адабиётлар таҳлили

T.Pogodina va M. Veselovskiyalar qishloq xo'jaligining ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotdagи rolini o'rgandilar. Innovatsion klasterlarni shakllantirish va rivojlantirish asosida ijtimoiy-iqtisodiy tizimlarning innovatsion salohiyatini oshirish yo'llarini o'rganib, klasterli yondashuvni joriy etish zarurligini asoslaganlar. Innovatsion ijtimoiy-iqtisodiy tizimni rivojlantirish modellari va mexanizmlarini, mamlakatning ilmiy-texnikaviy rivojlanishining vositalari va tendentsiyalarini tahlil qilishib, innovatsion faoliyatni rag'batlantirish mexanizmlarini takomillashtirish bo'yicha ko'rsatmalar va innovatsion siyosat vositalarini berib o'tishgan.²

Qishloq xo'jaligi sohasi asrlar davomida keng rivojlangan yo'nalish bo'lib, bu borada tadqiqot va tahlillar olib borgan xorijiy va mahalliy olimlar ko'p. Chet el olimlari A.Glotko, I.Sicheva, A.Dunets va boshqalar misolida. Ular o'z izlanishlari davomida qishloq xo'jaligining, ayniqsa, fermer xo'jaliklari kooperativlarining ahamiyati, unga ta'sir etuvchi omillar haqida so'z yuritdilar.³

E. Ivanova, A.Nikitinlar qishloq xo'jaligini optimallashtirish tarafдорлари bo'lган. Ular qishloq xo'jaliklari zamонавиј dinamik quvvat va simsiz sensorli ulanishlarni o'rnatish samaradorlikni oshirishiga ishonishdi.⁴

3. Тадқиқот методлари

Қишлоқ хұжалиги рақобатбардошлигини оширишнинг илғор хориж тажрибасининг аҳамияти ва самарадорлигини аниқлаш мақсадида анализ, синтез, индуктив, дедуктив, қиёсий таҳлил ҳамда моделлаштириш методларидан фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар

Қишлоқ хұжалиги рақобатбардошлиги даражасини оширишнинг жаҳон амалиёти таҳлили кўрсатишича, мамлакатларнинг халқаро савдо ташкилотига аъзо бўлишида уларнинг аграр соҳа тармоқларининг барқарорлиги, ички бозордаги мувозанатни таъминлаш билан бир қаторда, импорт ўрнини босувчи ва экспорт ҳажмини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, Европа иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида қишлоқ хұжалиги маҳсулотларининг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш давлат субсидияси механизмига асосланади. ЕИга эъзо мамлакатлар фермерлари томонидан ишлаб чиқарилган (етиширилган) қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари умумий қийматининг

¹ <https://www.agropromdash-expo.ru/ru/ui/17151/>

² Pogodina, T. V., Veselovsky, M. Y., Abrashkin, M. S., & Aleksakhina, V. G. (2015). Improvement of the innovative capacity of a socioeconomic system based on the development of the cluster approach. *Asian Social Science*, 11(1), 304.

³ Glotko, A. V., Sycheva, I. N., Dunets, A. N., Kolupaev, A. A., Makarov, A. N., & Anikienko, N. N. (2018). Development of the regional agriculture through the cluster approach in russian federation. *International Journal of Mechanical Engineering and Technology*, 9(11), 1156-1168.

⁴ Ivanova, E. V., & Nikitin, A. V. (2018). Cluster-cooperative project of innovative development of agriculture. *Quality-Access to Success*, 19.

ўрта ҳисобда 50 фоизи давлат субсидияси асосида қопланади. Шунингдек, ушбу мамлакатлар гурухидаги маҳаллий фермерлар учун ўз маҳсулотларини жаҳон бозоридаги ўртача нархдан юқорироқ нархда сотиш имконини берувчи компенсацион тўловлар ва тенглаштирилган солиқ сиёсати амал қиласди. Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида бугунги кунда ЕИга аъзо бўлган мамлакатларнинг озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши билан бир қаторда, ички истеъмол бозорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлиқ ўзини-ўзи тўйинтира олиш имкониятига эга бўлди (1-жадвалга қаранг).

Жаҳон хўжалигидаги етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланган АҚШ табиий-иклимий шароит жиҳатидан қишлоқ хўжалини ривожлантириш учун жуда қулай шартшароитга эга бўлган мамлакатлар қаторига киради. Бундай устунлик ҳисобига АҚШ фермерлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш (етиштириш) ЕИ мамлакатлари фермерларига нисбатан 1,6-1,7 марта кам харажат ҳисобига амалга оширилади. Шунингдек, ушбу кўрсаткич Россия фермерларига нисбатан 2,5 марта, Японияга нисбатан эса 3,0 марта арzon ҳисобланади. Ушбу вазиятдан келиб чиққан ҳолда, бошқа давлатлар АҚШ ҳукуматига нисбатан аграр соҳа рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш (етиштириш) ва уларни сотиб олиш учун бир неча баравар кўп маблағ сарфлашади, деган хulosага келиш мумкин бўлади. масалан, Финляндия ҳукумати маҳаллий фермерлардан бир тонна буғдойни АҚШдаги нархга нисбатан тўрт баробар қимматига сотиб оладилар.⁵

1-жадвал

Айрим мамлакатларда қишлоқ хўжалиги давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг устувор йўналишлари⁶

Мамлакат	Давлат томонидан амалга оширилаётган қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини оширишга қаратилган дастурлар*
Европа иттифоқи мамлакатлари (ўрта ҳисобда)	<ul style="list-style-type: none"> - қишлоқ хўжалигидаги фойдаланилаётган ҳар 1 гектар майдон учун ўртача 298 АҚШ долл. ажратилади; - қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш (етиштириш) учун сарфланган харажатларнинг 50 фоизи давлат субсидияси ҳисобидан қопланади; - қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари чакана нархларини давлат томонидан белгилаш; - қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини давлат томонидан субсидиялаш; - маҳаллий фермерлар учун ўз маҳсулотларини жаҳон бозоридаги ўртача нархдан юқорироқ нархда сотиш имконини берувчи компенсацион тўловлар ва тенглаштирилган солиқ сиёсатини амалга оширилиши. Бу турдаги дастурлар Европа иттифоқи мамлакатларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлай олиш имкониятини (масалан, буғдой – 177 фоиз, шакар – 95 фоиз, сут ва сут маҳсулотлари – 120 фоиз, мол гўшти – 109 фоиз) сезиларли даражада ошириди
Финляндия	<ul style="list-style-type: none"> - фермерлар фойдасида давлат субсидияларининг улуши 71 фоизни

⁵ Швец Н. С. Концепция конкурентоспособности регионального агропромышленного комплекса: монография / Н. С. Швец, Ф. З. Мичурина; М-во с.-х. РФ, ФГБУ высшего образования «Пермская гос. с.-х. акад. им. акад. Д.Н. Прянишникова». – Пермь: ИПЦ «Прокрость», 2016. – 207 с.


⁶ Об изменениях в порядке предоставления субсидий производителям сельскохозяйственной техники. Электрон. Тестовые дан. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://m.government.ru/docs/33993/> (дата обращения: 07.07.2020 г.), своб. – Загл. с экрана; Юнусова П. С. Создание региональных научно-инновационных и производственных кластеров для модернизации аграрного сектора экономики / П. С. Юнусова // Материалы IX Международной научнопрактической конференции «Региональные проблемы преобразования экономики: интеграционные процессы и социально-экономическая политика региона» (Махачкала, 5 декабря 2018 г.). Махачкала, ИСЭИ ДНЦ РАН. – 2018.; <http://www.fao.org/faostat/ru/#data> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

	ташкил этади
Франция	<ul style="list-style-type: none"> - ички бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи кафолатланган даражадан арzonлашганда, фермелар учун маҳсулот ишлаб чиқариш (етиштириш), сақлаш ва қайта ишлаш учун сарфлаган харажатларига мос равиша компенсацион тўловлар амалга оширилади; - хориж мамлакатларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт қилишга қарши протекционизм сиёсати қўлланилади, жумладан, юқори белгиланган харид нархлари, божхона тўловлари каби чоралар шулар жумласидандир.
Швеция	<ul style="list-style-type: none"> - ишлаб чиқарилган (етиштирилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий қийматининг 73 фоизи давлат бюджетидан субсидияланади; - фермерлар фойдасида давлат субсидияларининг улуши 59 фоизни ташкил этади
Япония	<ul style="list-style-type: none"> - ишлаб чиқарилган (етиштирилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий қийматининг 90 фоизи давлат бюджетидан субсидияланади; - мамлакат ҳудудига гуруч импорт қилиш қатъий таъқиқланган; - фермерлар фойдасида давлат субсидияларининг улуши 75 фоизни ташкил этади
Истроил	<ul style="list-style-type: none"> - қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ҳар 1 гектар майдон учун ўртача 473 АҚШ долл. ажратилади
АҚШ	<ul style="list-style-type: none"> - қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ҳар 1 гектар майдон учун ўртача 324 АҚШ долл. ажратилади; - қишлоқ хўжалиги ривожлантиришга 2018-2019 йилларда ўрта ҳисобда 59,5 млрд. долл. ажратилган; - фермерлар фойдасида давлат субсидияларининг улуши 30 фоизни ташкил этади
Канада	<ul style="list-style-type: none"> - қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ҳар 1 гектар майдон учун ўртача 180 АҚШ долл. ажратилади; - сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларининг 90 фоизи давлат бюджети томонидан дотацияланади; - аграр соҳани ривожлантиришга давлат харажатларининг ЯИМдаги улуши 26 фоизга тенг.
Россия	<ul style="list-style-type: none"> - қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ҳар 1 гектар майдон учун ўртача 110 АҚШ долл. ажратилади; - фермерлар учун ажратилган кредитлар фоизининг маълум бир қисми давлат субсидияси асосида қопланади; - қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун техник воситалар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилар учун харажатларининг 25-30 фоизи давлат субсидияси ҳисобига қопланади.

АҚШ қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишда жаҳон бўйича табиий-иқлимий шарт-шароитлар жиҳатдан бундай устунликка эга бўлишига қарамай, аграр соҳага йўналтирилаётган давлат харажатлари ҳажми бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллайди. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти эксперклари томонидан амалга оширилган ҳисоб китоб натижаларига кўра, 2001-2019 йилларда АҚШ қишлоқ хўжалигига йўналтирилган йиллик марказий ҳукумат харажатлари ҳажми ўрта ҳисобда 24,4 млрд. АҚШ долл.га тенг бўлган (1-расмга қаранг).

5. Тадқиқот натижалари мұхомаси

Тарақкий әтган мамлакатларда аграр соҳанинг самарадорлиги ва унинг рақобатбардошлигини ошириш қишлоқ хұжалигыда кооперациялашувнинг юқори даражаси (маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш, етказиб бериш, сотиш, фермерларға моддий-техник ва молиявий хизматтар күрсатиши) ва агросаноат интеграцияси ҳисобига амалға оширилади. Шунингдек, ушбу гурұх мамлакатларда қишлоқ хұжалигининг ҳосилдорлиги, ишлаб чиқариш мұносабатларининг самарадорлиги, аграр соҳанинг рақобатбардошлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни инновацион ривожлантириш, қишлоқ хұжалигыда фаолият юритаётган иқтисодий субъектларнинг ривожланиш имкониятларини кенгайтириш ва қишлоқ жойларнинг барқарор ривожланишини таъминлашда агрокластеризациялашга мұхим әътибор қаратылади. Агрокластерларни шакллантириш ва уларни ривожлантириш орқали тарақкий әтган мамлакатлар халқаро рақобат мұносабатларининг кучайиши шароитида қишлоқ хұжалиги, айниқса, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасыда ҳимоявий чораларни ҳам амалға оширадилар.⁷



1-расм. Қишлоқ хұжалигига (үрмөн ва балиқ хұжалиги билан биргаликда) йұналтирилған марказий ҳукумат харажатлари бүйича ТОП-10 мамлакатлар (2001-2019 йиллар бүйича үрта ҳисобда, млрд. долл.да)⁸

Жүмладан, тарақкий әтган мамлакатларда ташкил этилған йирик интеграцион, күп тармоқлы агросаноат бирлашмалари илғор инновацион технологияларга асосланған ҳолда жағон қишлоқ хұжалиги маҳсулотларининг ярмидан зиёд қисмини ишлаб чиқарадилар. Бу турдаги агрохұжалик юритувчи субъектларнинг меңнат үнүмдорлиги бошқаларга нисбатан 1,5-2,0 баробар юқори ҳисобланиб, бир бирликдеги ер майдонида қишлоқ хұжалиги маҳсулоти етиштириш учун талаб этиладиган ресурслар қажми 2,0 марта кам бўлиб, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган (етиштирилаётган) маҳсулотларнинг таннархи сезиларли даражада арzon ҳисобланади.⁹

Европа Иттилоғи мамлакатлари агрокластеризациялаш чора-тадбирларини амалға ошириш орқали қишлоқ хұжалигыда, хусусан, чорвачилик билан шуғулланувчи фермер хұжаликлари ўртасыда кооперациялашувни ривожлантиришган. Масалан, Францияда бу турдаги кооперациялар 70 фоиз чўчқа гўштини етиштирса, ушбу кўрсаткич Нидерландияда – 26,0 фоиз, Германияда эса 25 фоизни ташкил этади. Швецияда ҳам бу турдаги кооперацияларда кўплаб фермер хұжаликлари ўзаро бирлашган бўлиб,

⁷ Насруллаева Т. Д. Стратегические приоритеты развития кластеров в АПК региона / Т. Д. Насруллаев // Вопросы структуризации экономики. –2010. – № 1. – С. 174–177.

⁸ БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хұжалиги ташкилоти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган <http://www.fao.org/faostat/ru/#data/IG/visualize>

⁹ Грей К. Роль государства в аграрном секторе США // Экономика сельского хозяйства России. – 1997. – № 4. – С. 31–32

мамлакат худудида жами 18 та миңтақавий кооперациялар ташкил этилган ҳисобланади. Шунингдек, фермерлар ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Миллий фермерлар кооперативлари бирлашмаси” ташкилоти тузилган.¹⁰

Финляндия қишлоқ хўжалиги соҳасида кооперативларни шакллантириш орқали агробизнес субъектларининг хўжалик фаолияти юритиши учун зарур шарт-шароиларни таъминлашни мақсад қилиб қўяди. Жумладан, маҳсулотларни етиштириш, уларни сотиш, еткзib бериш, сақлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, фермер хўжаликларини ишлаб чиқариш воситалари, техника ва асбоб ускуналари билан таъминлаш, уларга молиявий ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш шулар жумласидандир. Тахлиллар кўрсатишича, мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун зарурий био-ўғитларнинг 50 фоизи, чорва моллари учун озуқаларнинг 65 фоизи, қишлоқ хўжалигининг техник ва ёқилғи таъминотининг 40 фоизи айнан кооперативлар томонидан таъминланади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда фермер хўжаликлари интеграцион кооператив бирлашмаларни шакллантиришга юқори даражада харакат қиласидилар. Бу турдаги бирлашмалар томонидан гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 75 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 92 фоизи ишлаб чиқарилади.¹¹

Жаҳон амалиётида қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини оширишда агросаноат интеграцион бирлашмаларини ташкил этишнинг шартномавий шаклидан ҳам кенг фойдаланилади. Жумладан, АҚШда бу турдаги агросаноат интеграцион бирлашмаларида жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 30,0 фоизи ишлаб чиқарилади. Фермер хўжаликлари билан интеграцион ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар одатда йирик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари ва савдо компаниялари ўртасида тузилади. Айниқса, қисқа муддатда истеъмолга яроқсиз ҳолатга тушиб қоладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича шартномалар тузиш кенг тарқалган ҳисобланади. Масалан, сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи йирик саноат корхоналари ўртасида шартномавий келишув асосида тузилган агро-интеграцион бирлашмалар томонидан 95 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилса, сабзавотларни қайта ишлашда ушбу кўрсаткич 83 фоизга тенг ҳисобланади.¹²

Қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини оширишнинг жаҳон амалиётида кенг тарқалган усусларидан яна бири бу протекционизм сиёсатини амалга ошириш орқали ички бозорни ҳимоя қилиш ҳисобланади. Масалан, Финляндияда ички қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини ҳимоя қилиш ва маҳаллий фермерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида хориж мамлакатларидан озиқ овқат маҳсулотларини олиб кириш ҳажмига тегишли чегаралар ўрнатилган бўлиб, айрим маҳсулотлар учун катта ҳажмдаги божхона тўловлари жорий этилган. Шунингдек, мамлакатда ЕИнинг бошқа мамлакатлари сингари маҳаллий фермерлар учун ўз маҳсулотларини жаҳон бозоридаги ўртacha нархдан юқорироқ нархда сотиш имконини берувчи компенсацион тўловлар ва тенглаштирилган солиқ сиёсати амалга оширилиб, фермерлар фойдасида давлат субсидияларининг улуши 71 фоизни ташкил этади (1-жадвалга қаранг). Мамлакатнинг бошқа мамлакатларга нисбатан тупро унумдорлиги паст, ноқулай иқлимий шароитга эга бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-

¹⁰ Милосердов В. В. Многоукладная экономика АПК: состояние и перспективы // АПК: экономика, управление. – 2012. – № 2. – С. 10–21


¹¹ Юсупова П.С., Ахмедова Ж.А. Зарубежный опыт достижения конкурентоспособности сельскохозяйственной продукции. Региональные проблемы преобразования экономики, №2, 2019. С. 21-27.

¹² Абдиев М. Ж. Основные направления агропродовольственной политики Кыргызской Республики в условиях интеграции в Евразийский экономический союз // Общество и экономика. – 2017. – № 3, 4. – С. 136

кувватлаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган бу турдаги чора-тадбирлар юқори иқтисодий самарадорликка эришиш имконини бермоқда.

Аксарият тарақкий этган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари давлат томонидан тартибга солиниши ҳолатлари ҳам учраб туради. Масалан, Францияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ички истеъмол бозоридаги нархи давлат томонидан кафолатланган нархдан тушиб кетган тақдирда, давлат томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш, сақлаш, етказиб бериш каби ишларга сарфланган харажатларнинг йўқотилган қисми давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилади. Шунингдек, мамлакатда экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан кўрилган зарар ҳам давлат томонидан қопланади.¹³

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида қишлоқ хўжалигини техник ва технологик жиҳатдан қуроллантириш унинг глобал рақобатбардошлиги кўрсаткичини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Жумладан, АҚШ аграр секторда илмий тадқиқотлар ўтказишда жаҳонда етакчи мамлакатлар қаторига кириб, ушбу соҳада амалга оширилаётган барча илмий тадқиқотлар давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади. Шунингдек, давлат фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалигига оид инновацион ишланмалар тўғрисида ҳабардор қилиш мажбуриятини ҳам ўз зиммасига олган. Инновацион ишланмалар ва лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш истагида бўлган фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш дастурлари мавжуд. АҚШда давлатнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфлаётган харажатлари ҳажми фермер хўжаликларининг хусусий сармояларидан 6,0 марта кўп бўлиб, ўрта ҳисобда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 40,0 фоизига тенг ҳисобланади.



2-расм. Аграр соҳага ажратилган субсидияларнинг ЯИМдаги улуши (2001-2019 йиллар бўйича ўрта ҳисобда, фоизда)¹⁴

Таҳлиллар кўрсатишича, ЕИ мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш учун белгиланган нарх сиёсати ва маҳсулотларни экспорт қилишни давлат томонидан субсидиялаш каби чора-тадбирларга устуворлик қаратилади. Ғарбий Европа мамлакатларида эса агробизнес вакиллариға фермер хўжалиги жойлашган ҳудуддаги табиий-икклимий шароитдан келиб чиқсан ҳолда субсидиялар ажратилади (2-расмга қаранг). Бунда фермер хўжалиги жойлашган ҳудудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун табиий-икклимий шароитлар қанчалик ноқулай бўлса, шу даражада кўпроқ давлат томонидан субсидия ажратилиши таъминланади.

¹³ Приходько Т. Управление сельским хозяйством во Франции // АПК: экономика управления. – 1996. – № 2. – С. 27

¹⁴ БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган <http://www.fao.org/faostat/ru/#data>

6.Хулоса ва таклифлар

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти экспертлари томонидан амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижаларига кўра, 2001-2019 йилларда АҚШда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ажратилган давлат субсидияларининг ЯИМдаги улуши 39,2 фоизга тенг бўлган ҳолда, жаҳонда етакчи ўринни эгаллади. Шунингдек, ушбу кўрсаткич ЕИ мамлакатлари бўйича 25,9 фоизга тенг бўлиб, Норвегия (32,5 фоиз) ва Буюк Британия (27,2 фоиз) каби мамлакатларнинг кўрсаткичлари ЕИ бўйича ўртача кўрсаткичлан юқори ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича тараққий этган мамлакатлар амалиётини тизимли таҳлил қилиш ва қиёсий таққослаш асосида мамлакатимиз амалиётида қўйидагилардан ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- аграр секторда илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишланмаларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш;
- инновацион ишланмаларни ва лойиҳаларни ишлаб чиқариш амалиётига татбиқ этган фермер хўжаликлари учун солиқ имтиёzlари жорий этиш, имтиёzли шартлар асосида кредитлар ажратиш;
- фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида улар зарар кўрган тақдирда давлат субсидияси ажратиш;
- аввало ички бозорни арzon нархлардаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўйинтириш ва экспортни давлат томонидан субсидиялаш;
- қишлоқ хўжаликлари маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, уларни сақлаш, етказиб бериш, сотиш бўйича агросаноат интеграцион бирлашмалари, жумладан, агрокластерларни ташкил этишни рағбатлантириш;
- қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга инвестицияларни кенг жалб қилиш, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига агробизнес вакилларининг техник-технологик қуролланишини рағбатлантириш;
- фермер хўжаликлари жойлашган ҳудудларнинг табиий-иклимий шарт-шароитларини ўрганиш ва уларнинг жойлашган ҳудудларидан келиб чиқсан ҳолда давлат субсидияси ажратиш механихмини жорий этиш ва ҳ.к.

Фикримизча, юқорида билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда кейинги йилларда мамлакатимизда аграр секторни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши узоқ муддатли истиқболда миллий қишлоқ хўжалигимизнинг глобал рақобатбардошлиги кўрсаткичини барқарор ошириб бориш ва жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаш имконини беради.

Адабиётлар/Литература/Reference:

<https://www.agropromdash-expo.ru/ru/ui/17151/>

Pogodina, T. V., Veselovsky, M. Y., Abrashkin, M. S., & Aleksakhina, V. G. (2015). Improvement of the innovative capacity of a socioeconomic system based on the development of the cluster approach. *Asian Social Science*, 11(1), 304.

Glotko, A. V., Sycheva, I. N., Dunets, A. N., Kolupaev, A. A., Makarov, A. N., & Anikienko, N. N. (2018). Development of the regional agriculture through the cluster approach in russian federation. *International Journal of Mechanical Engineering and Technology*, 9(11), 1156-1168.

Ivanova, E. V., & Nikitin, A. V. (2018). Cluster-cooperative project of innovative development of agriculture. *Quality-Access to Success*, 19.

Швец Н. С. Концепция конкурентоспособности регионального агропромышленного комплекса: монография / Н. С. Швец, Ф. З. Мичурина; М-во с.-х. РФ, ФГБУ высшего образования «Пермская гос. с.-х. акад. им. акад. Д.Н. Прянишникова». – Пермь: ИПЦ «Прокрость», 2016. – 207 с.

Об изменениях в порядке предоставления субсидий производителям сельскохозяйственной техники. Электрон. Тестовые дан. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://m.government.ru/docs/33993/> (дата обращения: 07.07.2020 г.), своб. – Загл. с экрана; Юнусова П. С. Создание региональных научно-инновационных и производственных кластеров для модернизации аграрного сектора экономики / П. С. Юнусова // Материалы IX Международной научнопрактической конференции «Региональные проблемы преобразования экономики: интеграционные процессы и социально-экономическая политика региона» (Махачкала, 5 декабря 2018 г.). Махачкала, ИСЭИ ДНЦ РАН. – 2018.; <http://www.fao.org/faostat/ru/#data> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Насруллаева Т. Д. Стратегические приоритеты развития кластеров в АПК региона / Т. Д. Насруллаев // Вопросы структуризации экономики. –2010. – № 1. – С. 174–177.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган <http://www.fao.org/faostat/ru/#data/IG/visualize>

Грей К. Роль государства в аграрном секторе США // Экономика сельского хозяйства России. – 1997. – № 4. – С. 31–32

Милосердов В. В. Многоукладная экономика АПК: состояние и перспективы // АПК: экономика, управление. – 2012. – № 2. – С. 10–21

Юсупова П.С., Ахмедова Ж.А. Зарубежный опыт достижения конкурентоспособности сельскохозяйственной продукции. Региональные проблемы преобразования экономики, №2, 2019. С. 21-27.

Абдиев М. Ж. Основные направления агропродовольственной политики Кыргызской Республики в условиях интеграции в Евразийский экономический союз // Общество и экономика. – 2017. – № 3, 4. – С. 136

Приходько Т. Управление сельским хозяйством во Франции // АПК: экономика управления. – 1996. – № 2. – С. 27

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган <http://www.fao.org/faostat/ru/#data>

